

# ТОШКЕНТ

## Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 36 (5.927) • 1986 йил 12 февраль, чоршанба • Баҳоси 3 тўйин.

### КПСС XXVII съезди шарафига

## ТОШКЕНТЛИКЛАР СЪЕЗДОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

### Депутатлар намунаси

Аҳоли дастурхонини тўқин қилишда комбинатимиз ишчи ва хизматчиларнинг ҳам хизматлари каттадир. Улар томонидан тайёрланаётган турли хил мурabbo, шпини, повидло, тузлаган помидор, бобринг, саримсоқ пизэ сингари озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамма дастурхон беэгани ҳисобланади.

Тўғрисида айтганда, корхонамиз ўтган йилда хом ашё танқислиги тўғрисида катта қийинчиликларга дуч келди. Натижада белгиланган топ-

шириқлар удаланмади. Бу йилнинг бошланғич келажакка умид билан қарашга асос бўлмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида корхонада мева ва сабзавотларни ювишда қўлланиладиган олтига автомат машина ўрнатилди. Бу меҳнат унумдорлигини оширишни яхшилаш билан бирга, сифатни ҳам яхшилашга катта ёрдам берди. Дастлабки ойда барча кўрсаткичлар бўйича давлат плани ошириб бажарилганида ҳам техниканинг хизмати катта бўлди.

Комбинатнинг цех ва участкаларида партия аъзолари муносиб меҳнат соғалари билан кутиб олдиш учун социалистик мусобақа авж олиб борилди. Ишчилар ўртасидаги меҳнат беллашувида Тошкент область Советининг депутати Мунира Тиллаева алоҳида намуна кўрсатмоқда. У смена топшириқларини мўтаазам 20—30 процент ошириб бажарилди.

**М. МУСЛИМОВА,**  
Тошкент консерва комбинатининг ишчиси.

### 15 февраль—Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик кун

## ЯХШИ АНЪАНА

Корхонамиз меҳнатчилари учун Коммунистик шанбалик кунини зарбдор сурат билан ниҳон, фанат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш аниқана бўлиб кетган. Бу талли меҳнат байрами партия аъзамани шарафига бағишлаб ўтказилаётганлиги учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир ишчи ва хизматчининг ўз бурчини, партия ва ҳукуматимиз қўрсатган раҳм-ҳурматларга қандай амалий жавоб бериши шу кунни бажарилган ишга боғлиқ.


Корхонамизда бошланган кунлик топшириқни икки ҳисса бажариш ташаббуси кўпгина ишчилар томонидан

маъқулланди. Бичиш цехининг бичиқисси, Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг делегати Аминот Ермилова «Қизил шанбалик» на бағишланган митингга сўзга чиқиб, ўз нормасини икки ҳисса бажаришга ваъда берди. Унинг бу ватанпарварлиги ташаббусига мен ҳам қўшилдим. Шанбалик кунини ўз иш жойимга баривақт этиб келаман. 850 жуфт этикка ишлов бераман. Бу буюмлар қиллоқ хўжалик ходимларига етказиб берилади. Шу куну цехимиз коллективини 2700 жуфт турли хил пой. афзал тайёрлади.

Корхонадаги барча цех ва участкаларда зарбдор сур-

ат давом эттирилади. Иш якунида 23 минг 700 жуфт пойафзал тайёрланади. Уларнинг 8000 жуфти тежаб қилинган хом ашё ҳисобидан тайёрланади. Ишлаб топилган маблагнинг тўрт ярим минг сўми ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказилади. Бу бизнинг мамлакатимиз халқ хўжалиғи тараққиётини ривожлантиришга қўшган улуғлими бўлади.

**С. РАҲИМОВ,**  
1-пояфзал фабрикаси 4-цехининг сийлашувчиси, Фрунзе район Советининг депутати, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденларининг кавалери.



КПСС аъзоси Муваззам Мухитдинова ўн санжирма йилдан бери шахримиздаги таъриб пиллажшиқ фабрикасида меҳнат қилади. У коммунистик меҳнат зарбдор. Ун биринчи беш йиллик шахсий топшириқларини тўрт йилда муваффақиятли адо этган м-

ҳир калавалоччи шу кунларда партиямиз аниқамани муносиб меҳнат соғалари билан кутиб олиш учун гайратга-гайрат қўшиб меҳнат қилмоқда.

**СУРАТДА:** М. Мухитдинова.

### 116-ТОШКЕНТ-ЧИЛОНЗОР САЙЛОВ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА БУЛИБ УТГАН САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ Тўғрисида ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

## АХБОРОТИ

1986 йил 9 февралда округ сайлов комиссияси ўн биринчи чакирин СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов натижалари тўғрисида олинган маълумотларни кўриб чиқди. Комиссия барча 170 сайлов участкасида сайлов СССР Олий Советига сайлов участкаси тўғрисидаги СССР Қонуни талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказилганини аниқлади.

Мамлакат давлат ҳокимияти олий органига сайлов комиссияси партиянинг съездоли ҳужжатларини муҳофизат қилиш пайтида омманинг сиёсий ва меҳнат активлиги юксал-

ган. КПСС XXVII съездида муваффақиятли тайёрларини қўрилаган бир вазиятда ўти. Округ сайлов комиссияси барча сайлов участкалари комиссиялари тақдим этган протоколлар асосида 116-Тошкент-Чилонзор сайлов округи бўйича ўн биринчи чакирин СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайловнинг узи-қисил аниқланди.

Сайловда қатнашиш учун сайловчиларнинг рўйхатида 388671 киши қиртилган эди. 388646 сайловчи ёки уларнинг 99,99 проценти овоз беришда қатнашди.

Ўн биринчи чакирин СССР Олий Совети

## Электрон ўқув кабинети

«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» махсус курсининг ўқув жараёнига тадбиқ этилиши муносибати билан мактабларда мустақам база яратиш тадбирлари кўрилмоқда. Эндиликда мактабларда ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида «ақли» машиналар билан жиҳозланган алоҳида кабинетлар ташкил этила бошланди.

Пойтахтимиздаги билим дەرгоҳлари орасида биринчилардан бўлиб Ленин районидеги мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида бундай кабинет очилди. Уни

бунёд этишда Ўзбекистон ССР Алоқа министрига қарашли Республика ахборот-ҳисоблаш маркази ақидан бош қўшди. Касб-хунари: ўргатувчи даргоҳини «ақли» машиналар, компьютерлар билан жиҳозлаш марказининг ихтисослашган бригадаси мутахассислари кўмаклашди.

Электрон-ҳисоблаш ўқув кабинетига ўқувчилар ЭЖМ операторлари ихтисосининг эгаллайдилар. Бу ерда шаҳарлараро телефон алоқаси билан боғлиқ ҳисоб-китоб ишлари бўйича ҳам машғулотлар олиб борилмоқда.

Миллатлар Совети депутатлигига номзод учун 388613 сайловчи овоз берди, бу 99,99 проценти ташкил этади. 33 сайловчи номзодга қарши овоз берди. Ҳақиқий бўлмаган бюллетенлар йўқ.

Шундай қилиб, ўн биринчи чакирин СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказилган 170 сайлов участкасининг ҳаммасида овозга қўйилган депутатликка номзод мутлақ кўпчилик овоз олд ва депутат этиб сайланди.

Округ сайлов комиссияси СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонуниинг 60-моддасига биноан сайланган депутатлар рўйхатга олди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ Сатни Борис Федорович 116-Тошкент-Чилонзор сайлов округидан ўн биринчи чакирин СССР Олий Совети Миллатлар Советига депутат этиб сайланди.

Округ сайлов комиссияси.

### ЎН ТУҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА БУЛИБ УТГАН ҚЎШИМЧА САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ Тўғрисида

## АХБОРОТ

1986 йил 9 февраль, якшанба кунини округ сайлов комиссиялари олти сайлов округи бўйича овоз бериш натижаларини кўриб чиқди. Шаҳар Совети депутатлигига номзодлар учун 12382 сайловчи ёки уларнинг 99,99 проценти овоз беришда қатнашди. 6 сайловчи номзодга қарши овоз берди. Ҳақиқий бўлмаган бюллетенлар йўқ.

Округ сайлов комиссиялари Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг «Ўзбеки-

стон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида»ги Қонуниинг 54-моддасига биноан 6 депутатни шаҳар Советига сайланган деб рўйхатга олди:

Нуров райони бўйича — 65-сайлов округи — Камолов Ҳожнажар Камолович — шаҳар халқ контроли комитетининг раиси.

Куйбишев райони бўйича — 166-сайлов округи — Фозилбеков Атамбек Иброҳимович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари.

Собир Раҳимов райони бўйича — 274-сайлов округи — Сатни Борис Федорович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Фрунзе райони бўйича — 364-сайлов округи — Ризаев Эрнест Алиевич — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи.

Ҳамза райони бўйича — 429-сайлов округи — Қотов Валентин Антонович — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, шаҳар план комиссиясининг раиси.

Чилонзор райони бўйича — 500-сайлов округи — Гаврилов Владимир Михайлович — хизматчи.

Округ сайлов комиссиялари.



## ПАЙВАНД

Евгения Александровна билан телефонда гаплашганимизда, биринчи саволим шу бўлди:

— Невазгангиз борми?..  
Узоқ вақт телефон трубкасида жанжи қиз-зоқнинг эрки қийқиригидан бошқа ҳеч нарса эшитилмади.

Никоят:  
— Саволингиз қизиқ, — деган овоз янради. Ва қўшмача қилди: Сизга эшитилган бўлса — Ўн иккинчи чакирин қилиб турган невазгангиз бўлади. Бошқа бормисиз келмаётганимиз.

Мен иккинчи саволимга «баҳона»-сабаб топиладиган суюниб, яна сўрадим:  
— Нега бормисиз келмапти?  
— Мен билан қолгисиз бор. Менинг эса кун бўйи эришга бўлиб ўтиришга вақтим йўқ, ишга боришим керак.

Энди мақсадга қўлчан деб турганимда яна боғли овоз, бу сафар майинроқ, илти рақ янради:  
— Лекин саволингиз барибир қизиқ. Умуман қизиқ одамга ўқшаёйсиз. Ҳали бирорта журналниқ мандан бу ҳақда сўрамаган. Ҳамма «Қандай ишлаётгансиз», «Бу муваффақиятга қандай эришдингиз?» деб сўрагани сўраган. Очгинини айтсан, бундай саволларга жавоб бергани келмапти. Мен фақат бир нарсани билмаман: Ишляпман. Таомат-аввалом! Шунинг учун Сиз биринчиси...

Мен бу томонда «биринчилигим»дан кўнглим новотдай эриб турганимда сўх-батлашимнинг невараси яна хароша қилди шекилли, трубка жимиб қолди... Невазгангизнинг кейин илтимосинини айтидим, учрашиб сўхбатлашим лозимлигини билдирдим.

— Келинг, мен комбинатдан топасиз...  
— Йўқ, унингиз, хонедонингизда сўх-батлашасиз дегандим. Уй шароитингиз ҳам бизни жуде-жуде қизиқтиради.

Яна ҳайратланди шекилли, лекин ҳайратланганини билдирмай, менинг мўддаомини тушунгандай илиқ оҳангда жавоб берди:  
— Майли. Вақтингизга қараб, қўнғироқ қилиб келинг.

Менинг мўддаом эса бошқача эди. Унинг қандай меҳнат қилиши, эришган муваффақиятларини, коллектив ўртасидаги обрў. эътиборини ҳам яхши билмаман. Ҳамма уни, у эса ҳаммани ҳурмат қилиши, ҳамма фидойилар қаторида фидойилар, кўнчакроқ эканлигини ҳам, баъзан неварасини эришганга сарф этишини ҳам яхши билмаман. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери эканлиги, СССР Халқ Хўжалиғи Ютуқлари Виставкасининг кумуш медали билан тақдирлангани ҳам хабарим бор. Мақсадим уни янада яхшироқ, ақилроқ билиш, фақат сўрошқин дастгоҳлар қўрошқини эмас, унда, ошонанга, телевизор кўриб ўтирган, қўшқ эшитилган пайтда кўриш, ҳаттоки қандай китобни мутлола қилаётганига билиш эди. Мақсадим...

Мақсад ҳамдаги сўзимизни қўшиб ўтиришмайликда мақсадга қўча қолайлик.

Демак: Евгения Александровна Губина. Тошкент тўққизинчи комбинатининг тўққизинчи. Коммунист. Ўттиз йилдан бери шу корхонада меҳнат қилади. Ўттиз баҳорини ўттиз кунуш қилиш, ўттиз сўрошқини эриш, ўттиз олтирган кун қайнатор би сўлим сохилларда эмас, айнан шу корхонада, рившавлари қўнғининг нулли ипларига, кўз эишларига ПАЙВАНД дастгоҳлар ёнида ўтиди. Бу ўтган ўттиз йилдан у асло пўшаймон эмас. Пушаймонлиги, афсус-навомаднинг табиатида ўт. Ў ёрқин орзулар, амалдаги қувончларга айланувчи истан-тихлаш, оқибати фақат шўроново шодмонлик билан намоён бўлувчи ҳалол меҳнат тарафдори. У исон меҳнатининг чеки-чега-

рвси туганмас эканлиги, ўқилари пойдор эканлигини ўз иши билан ётботлаган замонамиз абли. Шунинг учун ҳеч қачон тушқун қайфиятларга берилмаган. Шунинг учун қувончи ҳам, орауси ҳам — пойдор, мустаҳкам.

— Делегат бўлиб сайлангандан кейин пўшаймон бўлмайдиган! — деб писанда қилувчилар ҳам йўқ эмас.

Бунга жавобан энг оддий ишчининг энг оддий эътирозини айтиб ўтмоқ кифоя:

— Қўнғиндан келса сен ҳам ишла, тер тўқини, ахир инсонсан-ку!

Унинг иш, ишхона, оила ва одамлар ўртасидаги муносабатларга инсбатан ўзининг беназар қарашлари бор. Инсоний қарашлар. Бу қарашлар тинчликни, кўнғиндан келган, ўй-қачинималар, латимасида шаклланган. Бу қарашлар мажмуинининг бугунги, эртанги кунин, истиқболининг нурулари билан ўйрилган. Мақталпти, деганди, мен ҳам қўнғинимни, кўнғилдимдан келганини ёзганман.

Мана, унинг сўзлари:  
— Биз кейинги пайтда «Сўз ва иш бирлиги» деган сўзларини кўп тақроқлашимиз. Албатта, буни одамларга эслатиб туриш эди. Лекин шу ўринда бир нарсга эътиборингизни жалб қўлимоқчиман. Баъзи коллективларда иш қўнғини сўз олаётгани, очкироқ айтилган бўлса — сўзбошлик эгаллаётганининг сабаби нимадир! Бу адибий термин бўлса-да, лекин шундай коллективларнинг фаолиятини белмалол белгилай олади. Ҳатто ўзининг корхонада ҳам бор нарсга бу. Ўзи мен кўп гавирини ёмон кўрман.

Евгения Александровна ўз уйда ҳам шундай кампа. Кириб бормганимда у Михаил Шолоховнинг «Инсон тақдирини» ҳикоялар тўпламини ўқибган экан. Мулозамати ҳам қисқасига бўлди:

— Кофе ичасизми, чойми!  
Зумда ердикимизни ҳам эшитмай ошхонага кириб кетди. Мен хонига разм солдим. Камтерона жиҳозланган хона. Китоб жавони. Телевизор. Уй бекасининг ҳаракети, фазилатларини хонани кўздан кечирганда билиб олиш қийин эмас. Шундоқ бўлса-да қайтиб келганда савол бердим:

— Кейс шаҳарни яхши кўрасиз?  
— Чойдан ичарин. Шунинг ҳозир айтишим зарурми!

— Менга керак...  
— Эзимизда — Тошкентини. Кейин Олмаотани. Сал нарироқ Борадиган бўлсан, Албатта Москвадан-да!

Мен тоқмадаги тенкили эстрада хонандаси суратига ишора қилиб яна савол бермаман.

— Уни ҳам яхши кўрасизми?  
— О, Алла Пугачеваними! Унинг қўшиқларини тингласан ўн санжирма кирган пайтларим эсимга келади. Бу ҳам бир гап-да. Умуман қўшиқнинг бори яхши.

— Невазгангиз ким бўлишини хоҳлардингиз?  
— (Кулади). Менимча у космонавт бўлса керак. Ким бўлишдан қатъий назар одам бўлса бўлган. Энг мўҳимини.

Энг мўҳими — мен делегатни ўз уйда кўрдим, гаплашдим. Шу сўхбат мида у ўзининг делегатлиги ҳақида лолим демеда, ҳатто бунга ишора ҳам қилмади. Мен билганим учун сўраб ўтирмадим. У бу ҳақда ихозори дил қилишини ўзига эп кўрмади. Балки нокамтарлик бўлди, деб ўйлагандир...  
Хайрлашдик. Соғ бўлинг, дедим. Кириб туринг, деди.

Бор гап шу.

**С. САЙДОВ,**  
СУРАТДА: Тошкент тўққизинчи комбинатининг тўққизинчи Е. А. Губина.



Тошкентда «Дўмбиробод» маҳалласи бор. У обод ва чиройли маскан. Маҳалла марказида Улуғ Ватан уруши жангарида қаҳрамонларча ҳалок бўлган доворак жангилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ўтган жасоратли кунларнинг тинимсизлиги. Шу маҳаллада туғилб воғая етган жу. да кўп йилгилар фронтдан

қайтишмади. Лекин уларнинг вафодор рафиқалари, фаршанларини тинч ҳаёт нашида-дини сурмоқдалар. Маҳалла аҳлининг бирдан-бир олинган мақсади жаҳонда барқарор тинчликдир. Улар бу тинчликни амалда мустаҳкамлаш учун садоқат билан меҳнат қилмоқдалар. Маҳалла хотин-қизлар совети ўзининг фаолиятида тинчликни улуғловчи тадбирларга кенг ўрин бермоқда. Саксон ёшли она Мавжуда Алхужаева бошчилиқ қилаётган хотин-қизлар совети тинчлик ишини янада мустаҳкамлаш мақсадида яхши ташаббус қўрсатди. Маҳалланинг 1, 2-Бахтли проезде, Фарҳод кўчасида истиқомат қилувчи 53 хондонини хизмат билан пул тўлашди. Кўп болали оилалардан М. Мирҳамидова, З. Раҳимбекова, С. Ранақбекова, Р. Саъдуллаева, О. Тошпўлатова, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Болтуновлар оиласи, Ш. Тоқиева, Х. Расулов ва бошқалар 10 ва 5 сўмдан ажратиб 200 сўм тўплашди. Бу пул шаҳар давлат банкига, Тинчлик фонди ҳисобига топшириди.

Қизил байроқли коллективларда

ТИКУВЧИЛАР ВАХТАСИ

Ўзбекистон ССРи 1985 йилда ва ўн биринчи беш йилликда иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажариш учун республика социалистик мусобақаси фойдалари орасида Сергелидаги Октябрь 50 йиллик номи тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам бор. Маҳалл ий саноатининг илгор коллективига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касабасоюзлари республика Совети ва республика ЛКСМ Марказий Комитетининг кўмаги Қизил байроқ берилди, коллектив номи Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасида республика «Хурмат тахтасига» ёзилди.

ҲАЁТИМИЗ ПРОГРАММАСИ

Партиянинг съездолди қўжжатларини муҳокама қиламиз

Сифат-корхона кўзгуси

Олий мақсад

ШАҲРИМИЗДАГИ саноат корхоналарининг коллективлари ҳозирги кунда партиязимнинг наватбодига XXVII съездининг муносиб кўтиб олиш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириб юборганлар. Бунда улар ишлаб чиқаришнинг барча кўрсаткичлари қатори сифат масаласини ҳал этишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу беизза эмас. Чунки сифат проблемасини ҳал этиш пировард натижада мийдор проблемасини ҳам ҳал этиш, аҳоли учун зарур буюртмаларнинг мулкўл бўлишини таъминлашга олиб келади.

Кейинги даврда бир қатор саноат корхоналаридан чирилади ва чидамли, харидор дидига мос, шу кун талабига жавоб берадиган буюмлар тайёрлаш сальмоғи анча орди. Ҳозир шаҳар индустрияси 196 хил маҳсулотни давлат Сифат белгиси билан тайёрлайти. Бу буюмларнинг асосий қисмини кенг истеъмол буюмларидир. Бундан ташқари ўтган йилнинг ўзида 150 хилдан янги маҳсулотни «Н» («Янгиллик») индекси билан тайёрлаш йўлига қўйилди. «Таш селъмаш», Сергели охиона ва бошқа мебелар заводлари, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Малик» трикотаж, «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмалари, Тошкент ўйинчоқлар фабрикасининг ранг-баранг буюмлари харидорларга манзур бўлмоқда. Бу корхоналар коллективларининг тиймай иложий изланиши, фантехника ютуқларидан самарали фойдаланиши ва сифат поторларини жорий этиши буюмлар сифатини ахшиллашда салмоқли ютуқларни қўлга киритиш имконини бермоқда.

Масалан, «Малик» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида сифат поторлари жорий этилганлиги харидорнинг буюмларни қўлайтиришида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Коллективнинг бу ташаббуси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқуллаб, бошқа етти саноат корхоналарида кенг жорий этиш учун тавсия қилинди. Ҳозирги кунда «Малик» чеварлари ўн иккичи беш йилликда амалга оширилгандан катта ишлар программасини белгилашди. Шунга буюнча, бу беш йилликда бирлашманн техникка билан қайта курулантиришини катта программаси амалга оширилади: 1700 тадан ортиқ машина ва ускуналар жорий қилинади, эскирган 759 механизм янги билан алмаштирилади. Ҳамма иш жойлари аттестациядан ўтказилади. Юқори сифат поторлари мийдори 20 тага етказилади. «Янгиллик» индекси қўйилган буюмлар ялли маҳсулот ҳажмида 25 процентга етказилади.

ХОЗИР бу корхонада ККСС XXVII съезди шарофати давом этаётган зарбдор ўн кулликларида Бунтитфок Ленин комсомоли мукофоти лауреати М. Қодиров ва унинг ҳамкасблари Т. Мовлева, Р. Маткаримова, К. Глушакова, Л. Фарзалина пешадамлик қилишляпти. Бу илгорлар ўтган беш йиллик тошпирининг мўддатидан анча аввал адо этиб маҳсулотнинг асосий қисмини адо этишга сифатда тайёрлашганди. Ҳозир мамлакат коммунистлари анжумани очилгандан кунгача биринчи квартал тошпирининг бажариш учун курашляптилар.

Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ишчилари ва инженер-техник ходимлари маҳсулот сифатини ахшиллаш борасида амалга ошираётган ишлардан диққатга сазовордир. Бу ерда буюмлар сифатини ахшиллашда меҳнатни ташкил этишининг бригада усули имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Натижада корхонада брак маҳсулот салмоғи тобора камайиб бормоқда. Масалан, 1979 йилда умумий маҳсулот ҳажмида брак 0,43 процентни ташкил этган бўлса, ўтган йили 0,23 процентга тушди.

Бирок, ҳали шаҳримиздаги барча корхоналарда ҳам маҳсулот сифатини ҳозирги талаблар даражасида дейиш қийин. 1 ва 2-пайфаж фабрикалари, Тошкент сўт саноати ишлаб чиқариш бир-

лашмаси, «Тошкент» мебел бирлашмаси маҳсулотлари сифатидан аҳоли ҳақда равижада қорон бўлганлиги. Бу корхоналарда маҳсулотнинг умумий сальмоғида давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган буюмлар таъдир процентини ташкил этади. МАСАЛАН, «Тошкент» мебел бирлашмаси фаолиятини оилайди. Бу ерда ўтган йили барча кўрсаткичлар бўйича тошпиринлар бажаришнинг сифати бўйича белгилаган тошпиринга ўнда-жўнда қолди. Давлат Сифат белгиси билан тайёрланган буюмлар пайванди 36 процент ўзинга атиги 4 процентини ташкил этади. Харидорлар бу корхонада тайёрланаётган қийим шафалари, қроватларнинг сифатсизлиги ҳақида кўп шикоят қилишляпти. Корхонада давлат стандарти талабларига, технология интизомига риоя қилинаётганлиги, сифат учун кураш изчил эмаслиги оқибатида шундай аҳвол руй берапти.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986-1990 йилларга ҳақда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида шундай дейилади: «Аҳолининг турли гуруҳлари талабига мос келадиган турдаги товарлар тайёрлаш ва сотиш таъминлансия. Буюмлар сифати анча ахшилланиши, уларнинг техниканги ва эстетик даражаси, фойдаланишда ишчи-пухталлиги оширилади».

Саноат корхоналари коллективлари ўз фаолиятларида партиязимнинг ана шу кўрсатмаларига амал қилишлари, буюмлар сифати учун курашни ўз фаолиятларининг олий мақсади қилиб олишлари лозим. Республика Компартиясининг аяндида бўлиб ўтган XXI съезди қарорлари бизга бу мақсадимизни амалга оширишимизга кенг йўл очиб беради.

Г. ВОҲИДОВА, Ўзбекистон ССР Давлат стандартлар бошқармасининг инженери.

ДУНЁ ХАВАРЛАРИ

Жаҳон пойтахтларида

БОРАЁТганлигидан жиддий ташвишда эканлигини айтиди. У Лондонда қисқа мўддат тўхтаган чоғда Пресс траст оф Индия агентлигининг мухбири билан суҳбатлашиб, Ҳиндистон ҳукумати Англия маъмуллари мана шу кирдиқорлар пайини киркичи учун шозишлик ривийида самарали чоралар қўриши кўтилмоқда, деди. АКС холде, ҳозирги вазиат инқилаб мамлакат ўртасидаги мусоабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб таъкидлади министр.

Пассажир транспорти маршрутларида Йўлдаги тартибсизликлар

Пассажир транспортининг шаҳар ҳаётидаги роли ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Шунинг учун унинг ишидаги ҳар қандай узил-кирил бизнинг кундалик ишларимизга халақит беради. Ишга кечикиб келишлар, бузилган кайфият ва бунинг натижасида вужудга келадиган хилма-хил машамшалар шулар жумласидандир.

Автобуслар қаерга кетди?

Республика автомобил транспорти министрининг назорат норматив ва ревизия бошқармасида ўтган ойда шаҳардаги баъзи автобус маршрутларининг иши муҳокама қилинди. Тегишсиз натижалари шунини кўрсатди, маршрутлардаги камчиликларнинг асосий сабаби — машиналарнинг лияндан белгиланган вақтдан илгари кетиб қолиши, ҳаракат жадвалида жиддий тартибсизликлар, ҳайдовчиларнинг маршрутларни ўз хоҳишларича ўзгартиришларининг оқибатидир.

Трамвайлар турнақатор. Нега?

Улуғ Ватан уруши ветерани П. Бахтияр редакцияга ёзган хатда 6, 13, 22-трамвайларнинг ҳаракатини афғончила таҳлил қилиб берган. Деярли ҳар кун соат 10 билан 11 лар орасида «Тошкент трактор заводи» сўнги бекатида ундан ортиқ трамвайлар турнақатор бўлиб туришляпти. Улар айлана йўлга сизмасдан 150-200 метр масофага тизилиб туришляпти. Кейин худди шундай «сулмас қатор» бўлиб йўлга чиқишляпти. Бекатларда эса йўлчилар тўпланиб қолган, асабийлашиб турган бўлишляпти.

Бизнинг анкета

Транспорт ишини қандай яхшилаш керак?

Пассажир транспорти иши — шаҳарнинг муҳим проблемаларидан биридир. Редакция эътиборингизга кўндалди анкетани ҳаво этиб, саволларга жавоб бериши сўрайди:

- 1. Сизни метро трамвай троллейбус автобуслар хизмати қониқтирмайдими?
2. Нима учун қониқтирмайди?
3. Транспорт ишини яхшилаш учун қандай таълиқнинг бори?
Анкета саволларига жавоблар қуйидаги адресга йўлланг: 70004 Тошкент, Ленинград кўчаси, 3 «Тошкент оқшом» газети редакцииси.



Сийсий маориф шахобчаларида

Талабчанлик ошмоқда

Ҳамза район партия комитетида корхона, ташкилот ва муассасалардан тақлиф этилган ўзгартишлар билан КИСС Устави лойиҳасига ўзгартириш киритиш ҳақидаги тақлифлар келиб турирди. Уларнинг авторлари — ишчилар, инженер-техник ходимлар, ўқитувчилар ва студентлар, марксизм-ленинизм асослари, иқтисодий таълим мактабларининг тингловчилари.

Партия сийсий маорифи шахобчаларидаги мактаб ва семинарларнинг тингловчилари тақлиф этилаётган ўзгартишлар билан КИСС Устави лойиҳасини синчилаб ўрганишиб, коммунистларнинг масъулиятини янада ошириш, партияга ўзгартганларга рекомандация бераётган коммунистларга бўлган талабчанлигини кучайтириш, кандидатлик мўддатини узайтириш бўлди. Кандидатлик мўддатининг узайтирилиши бўлди. 1981-ўрта мактаб ўқитувчиси В. Глазченко бу банди: «Бу ҳолда партия ташкилотини рекомандация берган коммунистларнинг жавобгарлиги масаласини қўриб чиқади» жумласи билан тўлдириниш тақлиф этади.

Устав лойиҳаси олтинчи қисмининг эллик бешинчи бандида «Бошланғич ва ҳақ партия ташкилотларининг секретарлари учун партия стажига камда бир йил бўлиши шарт» деб ёзилган. Қўпчилик коммунистлар бу мўддатни етарли эмас деб ҳисоблашмоқда. Уларнинг фикрича партия ташкилотларининг секретарлари таърибали коммунистлар бўлиши керак. Ўзбекистон ССР Оқиқ-оват саноати марказий базасининг катта иқтисодий сийсий, иқтисодий билим асослари мактабининг тингловчиси Р. Гейсман бошланғич партия ташкилот секретаарилиги ва сайланиш учун камда уч йиллик стажга эга бўлиши тақлиф этади. В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 44-ҳизматини тайёрловчи Б. Мосачук эса бошланғич партия ташкилот секретаарилиги сайланиш учун беш йиллик стажга эга бўлиши керак деган фикрини ўртага ташлади.

В. Бацаценко бошлиқ бригада 2-уйсозлик комбинатининг 4-монтаж бошқармасидаги энг илгор бригадалардан биридир. Пешадам коллективи Отчопар ва Гайдар кўчаларида 270 квартирални уйнинг 36 та квартирасида монтаж ишларини мўддатидан икки ой илгари ниҳоясига етказди. Қурувчи съездолди қўжжатларидаги режеларни амалга ошириш устида астойдил иш оlib бораптилар.

СУРАТДА: мазкур бригаданинг илгор монтажчиси Геннадий Маркелов.

Т. Каримов фотоси.

Илм-фан билан ҳамкорликда

Олмалик кон-металлургия комбинатининг кўроғи-руҳ саралаш фабрикасида кўроғишнинг концентратидан мис маҳсулотини ажратадиган курлма монтаж қилинди...

туғул, ҳатто кўроғиш, бир-галашиб чиқувчи бир қанча металл ҳам нобуд бўлмоқда. Тошкент политехника институти Олмалик филиали олимлари билан ҳамдўстлик туғайди шундай технологияни, ишлаб чиқиш мумкин бўлгани, бунда мис микдори процентининг ўндан бир улушига қадар камайд...

Ўй совуқлик фабрикалари

Донецк «Электробитум» биравлашмасида харидорларнинг берган баҳолари ва айтган таклифлари маҳсулот хилларини янгилашдаги асосий мезонлардан бири бўлиб қолди...

ди, энергия истеъмоли ҳам озаёиди. Ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан интенсив ҳайда жиҳозлаш бирламча коллективи маҳсулотни янгилаш суьратларини тезлаштиришга ёрдам бермоқда. Корхонада маншплотирлар ва автоманшплотирлар линиялар, пластмасса қудидан машиналар, бошқа энг янги машина-ускуналар тобора кўпроқ ишлатилмоқда...

ЭХМга вазифалар

Ўқув-ишлаб чиқариш комбинатидан оцилган янги кабинет қаршиллик юқори синф ўқувчиларига информатика ва ҳисоб техникаси асослари фаннинг чуқур билиб олишлари ёрдам берди...

Санъатнинг сеҳрли олами

Лекторийлар

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи «Адабиёт ва санъат», «Нафосат оламида», «Наҳон санъати тарихи», «Совет санъати усталари», «Ўзбекистон санъати» каби лекторийлар ташкил этган...

либ, адабиёт, тарих, география, табиёт, тасвирий санъат каби дарсликлар гоёвий мазмунини тўлдирди. Кенес педагог, санъатшунослар И. Игнатъева, М. Богатирова, К. Маммурова, О. Олимонова, Б. Раҳимова, И. Бородина ва бошқалар мактаб ўқувчилари орасида тез-тез бўлиб «Адабиёт ва санъат туркумида»ги лекцияларни ўқитмоқда...

Акс садо

Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Мажд Самаровнинг шу сарлаҳа остидаги мақола-ласи юзасидан оқшомхонлардан кўпба мақтублар келмоқда. Газетхонлар ўз хатларида муаллифга хайрли ишга қўл ургани учун самий миннатдорчилик изҳор қилишган...

аниқлашда ёрдам беришни илтимос қилишган. Шундай мақтублардан бири аввало бизни гоьтда таажжублантирди. Кейин уни ўқир эканмиз, «наҳотки, наҳотки, шундай бўлган бўлса» деган ички бир тўғи кишига тинчлик бермади. Ахир расмий хужжатларда киши ҳалок бўлган бўлса-ю, ҳақиқатда эса...

Ўлимларни қолдириб доғда...



«МУҚАДДАС бурч» мақола-ласи менда катта таассурот қолдирди. Ҳақиқатан ҳам, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси М. Самадов этти йил мобайнида улкан ишни бажарган. Тарихчи бўлганим учун ҳам архивда ишлашнинг нақадар машаққатли эканлигини яхши билмаман...

ни 10 дан энг медаллар безаб турибди. Тесное кишлоғидан жангларда оғир ярдор бўлгач, М. Пўлатбеков III гуруҳа уруш инвалиди бўлиб қолди. Аммо устоз ҳанузгача меҳнат қучоғида. Унинг 5 ўғли, 3 қизи бор. Уруш ва меҳнат ветерани М. Пўлатбеков 25 нафар набираси билан бахтиёрдир. У жангчи дўстларини ҳаминша эста олади. «Биз қурган машаққатларни ёш авлод кўрмасин! — дейди Мавлонбек ака, — дунёга Тинчлик керак! Урғоқ М. С. Горбачевнинг Ваенотидан жуда мамнумман. Бу Ваенотда жаҳонга тинчлик кераклиги ҳақидаги гоё илгари сурилганлиги учун ҳам у гоьтда оламшумул аҳамиятли хужжатдир».

Мана, миямда чарх урган шубҳалар тарқалди. Энди яна шу мақолага қайтсак. Хўш, нега шундай бўлди деган ўринли савол туғилади. Афтидан СССР Муҳофаа министрлигининг Марказий архивига жангчи М. Пўлатбеков ҳақида чалқаш маълумот тушиб қолган бўлса керак. Ленин гап бунда эмас. Энг муҳими, ўлимларни доғда қолдирган бир ҳамюртимиз та қдирси маълум бўлди. Бу эса муаллифнинг амалга ошираётган хайрли иши ёки унинг сузи билан айтганда «қалб амри»нинг эзгу самарасидир.

Совет Иттифоқига хизмат қиламан!

Оловли касб

Аланга тобора авж оларди. Теладан ёниб турган тўсинлар туша бошлади, ҳаммаёқини қалин, анчик тўтин тутиб кетди. Махсус кийим ва каскалар кийиб олган кишилар тўтин орасида аранг кўзга чалинарди. Улардан икки киши нарвондан шитоб билан юқори қаватларга кўтарилишди. Деворлар ўти учиради, ган кўпиклар билан қопланади. Тез орада ёнғин учирди...

Янги хил қанд

Мана 40 йилдан бери устоз ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда. М. Пўлатбеков А. Икромов районидан 203-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишламоқда. У жамоат ишларида ҳам актив қатнашапти. Мавлонбек ака шу райондаги «Қизил Шар» маҳалла комитетининг раиси. У киши Улуғ Ватан урушида кўрсатган жасорати учун икки марта 1-даражали Вафан уруши, Қизил Юлдуз ва Шухрат орденлари билан тақдирланган. Унинг кўниси...



СЕВИМЛИ ДАРГОҲ

Суратдаги бу қувноқ чеҳра соҳиблари Киров районидан Абдулла Қодирий номдаги маданият уйида ташкил этилган музика ва рақс тўғараги маҳоратлари. Мазкур маҳорат кўрсатиш 20 йилдан бери район маҳоратчилари ва ўқувчиларининг сеvimли даргоҳига айланган. Бу ерда йигирмадан ортик турли тўғарақлар ишлаб турибди. Унинг қатнашчилари сонин эса бугунга келиб 300 дан ошим кетган. СУРАТЛАРДА: ёш рубобчиларни кўриб турибсиз; роля тўғараги раҳбари Л. Калмас ўз шоғирди билан наватдаги машғулоти ўтказмоқда. Т. Каримов фотолари.

Актрисанинг роллари

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Дилором Қамбарова киноактёр сифатида яхши танилиб қолди. У «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган қатор бадиий фильмларда қатнашиб, ўз ижрочилиги маҳоратини намойиш этди. Истеъодли актриса яқинда суратта олиб бўлинган «Бувимларни қайтаринг» деб номланган янги бадиий лентада ҳам асосий роллардан бирини ижро этди. Фильмнинг бош қаҳрамони — Қодирнинг онаси роли ана шу санъаткор ижросида талқин қилинди. Актриса, айни бир вақтда, «Қароқчилар маликасининг сирин» номли картинада ҳам қатнашган эди. Яқинда «Қозоқфильм» киностудиясида яратилган бу бадиий фильмда Д. Қамбарова ижро этган роль ҳам эътиборни ўзига тортди. С. ОДИЛОВА.

ҚУТИЧАДАГИ КУЛРАНГ «ДЕВ»

ЁКИ «КЎКИШ ҲАЛҚА» КАСОФАТИ ҲАҚИДА

... Ҳибонда икки ўспирин анчадан бери кезарди. Ҳамма ўриндилар банд бўлганлиги учун жой қидириб қарашди. Шу тўғайли қаққайиб туриб қолишди. Қопқора сочлари елкаларига шалопалдек қўйилган қизча ўф тортиб, қўлини жинси шимин ёки чўнтагига тикди. Чиройли, айлорқ кўтича чикари қопқорини очди. Остига битта чертданги, бир жуфт сигарета яримгача юқорига отилиб чиқди...

— Бу, мода ахир... Чекиш керак. Йингит сизга етарли истар-истамас қўл узатди. — Биз мактаб стадиони бўйлаб чопганимиз сайин ўпкамиз тоза ҳаводан баъра олар, ўзимизни тобора куч-қувватга тўлаётганимиз ҳис этардик. Физкультура ўқитувчимиз бўлса ўртада туриб «Биз бир айланганлар, яна!» дея ундарди. Унинг оғзи бир бурчанида сигарета бурқирди. «Йўрғакдан гўдак чиқириб йнглашдан сира тўтмасди. Педиятр қабулига келганлар онага маслаҳат беришди: «Ўқурқуттингизни!» Йўрғакни ечиб қаранг, бирон нарса чаққимкан!» «Исиб кетган бўлса керак, очиқ ҳавога олиб чиқинг».


одоб тарбия бўлиши лозим. Тарбия ҳақида гап борганида, албатта эърамс иллатларга қарши кураш ҳам назарда тутилиши керак. ШУ ГАПГА қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, педагогларнинг ўзлари намуна кўрсатишлари керак. Агар физкультура ўқитувчиси, синф хонасида эмас, ҳатто мактаб стадионида чекса, шу билан бирга ўзи бир жойда турганича болаларнинг тезроқ югуришга дейват этса, бу ёлгон даъват. Педиятр қабулига кирган ёшгина аёл чекишни эхтимол ҳибондаги ўспиринлар сингари мода деб ўйлаб янглишгандир. Кейинчалик эса бу «мода»дан беихтиёр ажролмай қолгандир. — Ҳар қандай гўдак ҳам она ҳидини сезеди. — деди педиятр врач Шухрат Турсунов, — онедан тамеки ҳади келишининг ўзи жиноят. Бунинг устига бола ҳали дунёга келмасиданоқ захарлана болашни сира чекирилмас қўш ғуноҳдир. Кўкиш тутунинг кенг тарқалаётгани жаҳон олимларини ҳам ташвишга солмоқда. Ана шунинг учун ҳам 1985 йилда чекиш ва саломатлик масалаларига бағишлаб Халқаро конференция ўтказилди. Конференцияда чекиш оқибатида оғир касалликларга мубтало бўлишни ҳаётий мисоллар билан кўрсатиб берилди.

Б У НОХУШ лавҳаларни мен тўқиб-битмадим. Булар ҳаётдан олинган. Бирини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Бошқасини эшитганимиз. Очингин айтиш керак: биз эндиликда бу сингари воқеаларга неғадир кўнйикандай бўлиб қолаёмиз. Кўча-кўйда сигарета тутатаётган болаларга, мактабда оғзида папирос билан юрган ўқитувчиларга, айрим аёлларнинг чекишларига бефарқ қарайдиган бўлиб қолдик. Кўрганда кўнглимиз хира бўлади-ю, ранжиб кетаверемиз. Кашандалик ҳеч қандай маданият белгиси эмаслигини, бу ёмон одат ёшларга салбий таъсир қилишини, энг ёмони—тамеки никотини наслини захарлашини ақли-хушли ҳар бир киши танасига ўйлаб кўриши керак. Хўш, нима учун чекиш баъзи йингитча-ю, ҳатто ёш қизлар учун «модага айланапти? Аввало шуни айтиш керакки, бунда кўп йиллик «тажриба»га эга чекувчилар, айниқса, ота-оналар сабаби бўлишади. Агар ўйда тамеки тутатувчи бўлса-ю, шу ҳоводон соҳибига бегона у ёқда турсин, ўз боласига ҳам чеким, ҳатто оғохлантиса бундан тескари натижа чиқади албатта. Негаки, болалар табиятан ҳар нарсага, айниқса катталар одатига қизиқувчан бўлишади. Ота-она шу гапни тикиндай айтса, болалар демак бунда бир сир бор деган ички руҳий туйғу пайдо бўлади. Шунинг учун улар сигаретани беркитиб чекишга ҳаракат қила бошлашади. Қолаверса, чекишни тезроқ катта бўлиш, мустеаликка интилиш белгиси деб ҳисоблашади.

Она гўдак билан ташқарга чиқди. Чўккалаб, боласини тиззасига қўйди-да, бир амаллаб сумақасидан сигарета олди. Чекди. Кўп ўтмай гўдак йнглашдан тўхтади. — Биз мактабни билим даргоҳи деб ҳисоблаймиз, бу тўғри. Лекин мактаб асосий тарбия ўчоғи эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак, — дейди СССР ҳок мазорифи аълочиси кекас педагог Очил ака Алиев. — Шунинг ёлда тутган ҳолда директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўрибосари ролини ошириш, улардан вазифаларига кўпроқ маъсулиятли бўлишни талаб этиш керак. РайОНО Совети йнглишларида тарозининг бир палласида илм-таълим турса, иккинчисиде...

Бизнингча, кулранг «дев» қамалган қутичаларни ортиқча кўз-кўз қилиш унчалик тўғри эмас. Бунинг устига у нон, туз, гурут кеби биринчи эхтимолдаги моллар, қаторида турмеслиги керак. Баъзи идоралар деворларида ўпкани шафқатсиз емираётган қоп-қора тутунли сигарета расмларини, унинг остидаги зарарли тутун қайси ҳайвонга қандай таъсир қилиши тўғрисидаги сўзларни учратамиз. Чекувчилар уларни ўқийдилару, лекин тамеки билан тап тортмай ичкарига кираверадилар. Маълумотларга қараганда, чекишда тамеки тутунидан 25 процент зарарли моддалар ёниб битади, 25 процентини кашанда ичига ютади, қолган 50 процент эса хона ҳавосини захарлейди. Биз ана шу кеби ёзувлар ишхоналар, транспортлар умуман барча жамоат жойларида пайдо бўлишини истардик. Кашандалик ёмон одат, саломатлик ҳади экан, унга қарши курашиш, айниқса ёшларнинг бу оғу билан захарланмаслигининг олдини олиш, шифокорлар кенг жамоатчилик мададига таяниб тамеки чекувчиларни деволлашга катта ҳисса қўишлари, қашанларга жамиятга ҳам зарар келтиришларини тушуниб олишлари ва жамиятчи лозим. Нима бўлганида ҳам чекишдан оқиллар, ишхоналар, кўпайиши, бора-бора булар сафи гоьт кенгайишини умид қиламиз. АБДУСАТОР ХАТАМОВ, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

Мектабларнинг бирида бўлган ота-оналар йнгилишида кашандалар ҳам бор эди. Уқитувчи улардан: «Бу иллат соғлигингизга зарарли эканини биласизми?» деб сўради. Улар: «Ҳа» жавобини беришди. «Болаларнинг чекасизлигини хоҳласизми?» саволига «Албатта-да» деган жавобини олди. Қизик, бу ота-оналар ўзлари туғкин бўлган иллатнинг ёмони...



Р. Альбеков фотоси.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1986 йили Халқаро тинчлик йили деб эълон қилди. Бу эса минг-минглаб комсомол-ёшлар, пионерлар фаолиятига янгича илҳом бахш этди. Улар тинчликка бағишланган ранг-баранг тадбирларда актив иштирок этишляпти.

Р. Альбеков фотоси.

Хамшаҳарлар, сизлар учун

Гуллар чаман бўлади

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг манзарали боғдорчилик совхоз гулчилари республика пойтахтини кўкаламзорлаштиришга кўпдан буён ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Баҳорги кўкаламзорлаштириш арафасида совхоз ишчилари кўчалар, проспектлар, майдонларнинг четларига ўтказишга мўлжалланган хилма-хил гулларнинг кўчатларини ҳозирлаб қўймоқдалар. Ушбу гулларнинг саногии миллионлардан кўпдир.

Суратларда: (юқорида) совхознинг 7-бўлими ишчиси Нонла Шоаҳмедова гулларнинг тайёр туркумини савдо шаҳобчаларига жўнатишга тахт қилиб қўймоқда. (Пастда) гулчи Ф. Иброҳимова гуллар парваршида. В. Сироткин фотолари.



Келинг, бир кулишайлик

— Салом, мумкинми! — Салом, ҳўш хизмат! — Мен сизга ўз хизматимни таклиф этаёки эдим. — Марҳамат, зийтаман. — Ойга 50 форинг тўласан. Гиз бас, ҳар кун кечкурун соат 8 билан 9 ўртасида келиб телевизорингизни ўчириб кетаман. — Кечирасиз, телевизор ўчириб ўзимизнинг ҳам қўлимиздан келаяди. — Ҳай, ундай бўлса мен кетдим. — Бир лаҳза сабр қилинг, асли касбингиз нима ўзи! — Асосий ишимдан бўш вақтларда шунақа иш билан шугулланаман. Бу атрофда менинг 32 та микросим бор, ҳоҳласангиз суриштириб билишингиз мумкин. — Тўшумадим, нимани суриштириб кўришим керак! — Ўз хизматимни белгиланган пайтда виждонан бажаришимани-да. Уйингизга келиб саломлашаман, телевизорингизни ўчириб хайрлашиб чиқиб кетаман. — Оббо, нима, одамлар телевизорини ўзлари ўчиролмайдими! — Албатта йўқ. Мана, ма-сала-н доктор Крәббе ва унинг хотини телевизорда берилмаётган ҳар бир зийтиршини кўришга одатлашиб қолшган. Доктор ўз илмий ишнини бутунлай ташлаб қўйган. Угли бир неча марта синфдан синфга ўтолмай қолган. Икки йил давомида хотини телевизор билан банд бўлиб, бирон марта кечки овқат пийшрмаган. Мени ёллагандан берки ҳамма нарса ўз ўрнига тушиб қолди. — Ҳайр, мен кетдим, мени куттишти. — Яна бир лаҳза тўттанг, битта саволим бор, ахир сиз кетгандан кейин уй эгалари телевизорини ана қўйиб олишлари мумкин-ку. — Ҳа, мумкин, аммо бундай қилинмайди. Пул тўлаб ўчиртиргандан кейин ким ҳам яна телевизорини қўради дейсиз. Улар бундан кўра муҳимроқ

Махсус хизмат

ишлар билан шугулланишди. Фақат телевизорни ўчириб қўйишга қурбилари етмайди холос. Ҳайр кетдим, жуда шошилмаман. — Яна бир дақиқа тўттанг, ойга 50 форинг дедингизми! — Ҳа, аммо баҳшлашадиган бўлсангиз 70 форинг, агар иш мушт ишлатишгача бориб етса у ҳолда 100 форинг тўлайсиз. — Кечирасиз, мен бу гапини гиздан ҳеч нарсага тушунмадим. — Биласизми, мени тинчгина ишлашга қўймайдиган мижозлар ҳам йўқ эмас. Кириб келишимиз биланқ улар ўчирманг, деб мен битта баҳслаша бошлайдигар ҳатто баъзилари кўпол сўзлар билан ҳақорат қилишадди. Ушлардан ойга 70 форинг олам. Мени мушт ишлатишга мажбур қиладиган мижозлар аса ойга 100 форинг тўлашди. — Нима, нима, сиз уларни дўппослайсиз-у, улар сизга яна ҳақ ҳам тўлашадими! — Албатта-да. Аммо бу ҳол фақат биринчи ойларда ҳол беради холос. Ҳайр, кетдим, 32 та хонадон мени кутиб туриби. — Бугундан бошлаб 33 та девверинг. — Демак, сиз ҳам мени ёлламоқчимиз, шундайми! — Шундай, балки сизнинг шарофатингиз билан йил охиригача диссертацияни ёзиб тугатарман. Иш ҳақингизни олдиндан тўлаш керакми ёки. — Ҳозирроқ тўлашингиз мумкин. — Мана, мана, сиз аса марҳамат қилиб телевизорини ўчириб қўйинг. Кечирасиз менда битта 100 форинглик пул бор экан, майда топиладими! — Менда ҳам майда пул йўқ экан, аммо сиз бераверинг. Азир эртага терма командамиз билан Бразилия командаси ўртасидаги футбол мусобақаси олиб кўрсатилади. Орамизда жанжал чиқмаслигига ким калфалат бера олади!

Немис тилидан йўлдош ПАРДАЕВ таржимааси. Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

РЕКЛАМА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ И. ОХУНБОВЕВ НОМИДАГИ ЕШ ТОМОШАВИНЛАР ТЕАТРИДА 14. 15, 16 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА М. Қориеқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «ГўЗАЛ» АНСАМБЛИ СОЛИСТЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ ҚАТНАШАДИЛАР Тошкент область Ленин комсомолы мукофотининг лауреати ОЛИМЖОН ОРИФЖОНОВ солистлар: Муножат ЙУЛЧИЕВА, Уктам АХМЕДОВ, Бахтиёр ТУЛАГАНОВ. Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — Отамурод БЕКЖОНОВ олиб боради. Ансамблининг музика раҳбари — Шавкат МИРЗАЕВ. Билетлар театр кассасида (Калинин майдони) соат 14 дан сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг 8-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1986-1987 ўқув йили учун қўйидаги ихтисосликлар бўйича Ўқувчилар қабул қилади

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг «ЕШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ Осиқ-овқат моллари кичик сотувчиларнинг тайёрлайдиган 4 ОЙЛИК ВА контролёр-касирларнинг тайёрлайдиган 6 ОЙЛИК КўРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ КўРСЛАРГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 16 ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БУЛГАН ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ВА ИГИТЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР. Уқувчиларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия берилади. УқИШ ДАВРИ МЕХНАТ СТАЖИГА ҚўШИВ ҲИСОВЛАНАДИ. Бир вақтингиз ўзида ўқувчилар кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин. «ЕШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИНИ ТУГАТГАНЛАР ИРИК МАГАЗИНЛАРГА йўзланма билан ишга юбориладилар ҲАМДА УЛАРГА САВДО ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ БўЛИМИГА киришди ИМТИҲОНСИЗ БЕРИЛАДИ. МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИВ БОРИЛАДИ. Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 24, 26, 10-трамвайлар, 2, 3, 22, 80, 161, 32-автобусларнинг «Госпиталь» бозори) бекати). Справкалар олиш учун телефон 55-75-15.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ 43-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚўШИМЧА Ўқувчилар қабул қилади ўрта маълумотли йигит-қизлар ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қўйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинадилар. Қурилиш бўғичиси, сувоқчиси, қурилиш-дурадгори, қўлда пайвандловчи, электр пайвандловчи, темир-бетон конструкцияларининг монтажчиси, янги терувчи. УқИШ ДАВРИ МЕХНАТ СТАЖИГА ҚўШИВ ҲИСОВЛАНАДИ. Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Уқувчиларга ҳар ойда 30-45 сўм стипендия берилади. Шунингдек улар ишлаб чиқариш практикаси даврида тошган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар. Билим юртида спорт секциялари ва бадий ҳаваскорлик тўта-рақлари ишлайди. Аълочи ўқувчилар учун «В» ва «С» категорияли автомобиль ҳайдовчисини тайёрлайдиган олти ойлик курслар ташкил этилади. МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СўНГ БОШЛАНДИ. УқИШГА кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисидаги справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат. Паспорт ва ҳарбий билет (ёки ҳарбий рўйхатда турганлиғи тўғрисидаги гувоҳнома) шахсан кўрсатилади. ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ҒАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Юнусовд массиви, 7-квартал (25, 28, 29-трамвайларнинг сўнгги бекати).

«СПОРТЛОТО» МАЪЛУМ ҚИЛАДИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА «СПОРТЛОТО» ҲИНАЛАРИДА ҚАТНАШУВЧИЛАРГА ҚўЛАЙЛИК ЯРАТИШ УЧУН БИЛЕТЛАР СОТУВЧИ НАВАТЧИ КИОСКАЛАР ИШИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ: 17-почта кутиси — «Ҳамза» метро станцияси. 18-почта кутиси — «Чилонзор» метро станцияси. 2-почта кутиси — «М. Горький» метро станцияси («Светлана» магазини). 35-почта кутиси — Госпиталь бозори. БУ ПОЧТА ҚУТИЛАРИДАН «СПОРТЛОТО» БИЛЕТЛАРИНИНГ «ВВ» ҚИСМЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ОЛИШ СўНГИ МУДДАТИ — ЖУМА КУНИ СОАТ 14.00 ҒАЧА. Эслатиб ўтамиз, уйида қатнашаётганлар билетларнинг «ВВ» қисми ташланган «Спортлото» почта кутисининг номерини эсда тутишлари лозим. «ЎЗСПОРТЛОТО» СИЗЛАРГА ОМАД ТИЛАЙДИ Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги проспекти, 11-уй.

КИНО 12 ФЕВРАЛДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР: «ИККИ ЕҚЛАМА ҚОП-ҚОН» — Санъат саройи (18.30, 20.45; телефон 4-21-34, 44-21-44, 44-21-74). «МОСКВА УЧУН КАНГ» — Чайка (17, 20.00; телефон 77-06-20), Нуку (17, 20.00; телефон 46-70-8), Қозоғистон (16, 17, 20.00; телефон 33-54-92). «ЎТА ЕҚИМЛИ ВА МАФ-ТУННОР» — Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеант 21.30 да, телефон 74-30-38), Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеант 20.40 да, телефон 33-05-01). «КАНДАЙ БАХТИР БУЛИШ МУМКИН» — Гучна (16, 18, 20; телефон 402-22). «У МЕНИ ЕКТИРАЙ» — Лицунов номи (то соатларда, телефон 96-34-2). А. Н. ОСТРОВСКИНОМЛИ ТОШКЕНТ ДАЛАТ ТЕАТР ВА РАССОЛИК САНАЪАТИ ИНСТИТУТИ УКУВ ТЕАТРИ 13, 15 февраль соат 19.00 да ПРЕМЬЕРА В. Нушич асари. И. Жумаев таржмеси. «МИНИСТРИНГ ХОТИНИ» (тўрт пардали комедия) «Драма театри ва кино актёр» факультети П курс студентларининг ишлом спектакли. Асарни сахналаштирувчи — Ўзбекистон ССР хизмат кўрсатган артист, доцент НИКИФОРОВА Г. П. Актерлик маҳорат ўқитувчилари — Махтумова Х. А., Соҳибова М. С. Саҳна нутқи ўқитувчиси — Исмаилов М. И. Рассом — Бекбаев Т. В. Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби ИСМАИЛОВ В. И. Адрес: Г. Лопатин чкаси, 77-уй («Юсманавтларпроспекти» метро станцияси). Телефон 56-45-68. Билетлар театр кассида сотилади.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Тошкент шаҳар Ҳунар-техника таълими бошқармасининг Ўзбекистон ССР Вафазетон Компартиясининг 50 йиллиги номида тикунлик ишлаб чиқариш бирламаси базасидаги 22-ЎРТА-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ТИКУВЧИЛИК ИЛАВ ЧИҚАРИШИ ОПЕРАТОРИ ИХТИСОСИ БУЙИЧА Ўқувчилар қабул қилади МАШҒУЛОТЛАР ДЕВРАЛЬ ОИДА БОШЛАНДИ. УқИШ МУДДАТИ — 61. УқИШГА ҲАМДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Уқувчиларга ҳар ой 70 сўмдан стипендия ва ишлаб чиқариш практикасининг таъини даврида тошган меҳнат иларининг 50 процентини берилади. УқИШ ДАВРИ МЕХНАТ СТАЖИГА ҚўШИВ ҲИСОВЛАНАДИ. УқИШГА кириш учун қўйидаги ҳужжатларни ишлар: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, ота-онасининг иш жиддан справка, турар жиддан справка, 286-формадаги медицина справкиси, 3х см. ҳажмидаги 3 дона фотосурат. УқИШГА кириш учун қўйидаги ҳужжатларни ишлар: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, ота-онасининг иш жиддан справка, турар жиддан справка, 286-формадаги медицина справкиси, 3х см. ҳажмидаги 3 дона фотосурат. ПАСПОРТ ШАХАН КўРСАТИЛАДИ. Мурожаат учун (рес: Тошкент шаҳри, Энгел кўчаси, 60-уй (2, 9, 7, 18, 19, 21, 51, 60, 72, 8, 56, 57, 67, 156, 165-автобуслар 2, 3, 16, 22, 23, 25, 1 29-трамвайлар, 14, 21-трлейбусларнинг «Олай» бори) бекати).

ТВ ПАЙШАНБА, 13. II МТ I 9.00 «Время», 9.45 Мультфильмлар, 10.15 «Мўжизасиз мўжизалар», 11.15 «Таджир», Бадий фильм, 1-серия, 12.50 Янгилликлар. 15.00 Янгилликлар, 15.20 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари, 16.00 «Шоҳмат мактаби», Оқ рух, 16.35 «Сеннинг ленинча кутубxonang», В. И. Ленин, «Буюк починанг», 17.15 Халқ куйлари, 17.30 «ФАН ВА ТУРМУШ», ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, 18.00 «... 16 Ёшгача ва ундан катталар», 18.45 «Сўзни амалда иш билан оқла», Партия социал сиёсати проблемалари ҳақида.

19.15 «Дунё воқеалари», 19.30 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати, СССР халқ артисти, композитор Г. Саиридовнинг авторлик кечаси, 21.30 «Время», 22.05 Томошабинларнинг талабларига биноан, «Таджир», Бадий фильм, 2-серия, 23.15 «Дунё воқеалари», МТ II 18.30 Янгилликлар, 18.50 «Опа-сингил Қосимовалар куйлайди», 19.15 «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун», Қозон шаҳри медицина муассасаларининг иши ҳақида, 19.45 «Сиз бунга қодирсиз», 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар», 21.20 «Дербент», Телевизион ҳужжатли фильм, 21.30 «Время», 22.05 «Адабий альманах», 23.10 «Сизни оперетта таклиф этади», УЗТ I 7.30 Ритмик гимнастика, 7.50 «Салом, кичкинтойлар!», Мультфильм, 8.00 «Тонгги тароналар», 8.10 Ишчи ёшлар учун, «Беш йиллик одимлари», 8.20 «Текелдуз», Телефильм, 8.30 «Ахборот», 8.50 «Ўз тартиби билан», «Коллектив билан бирга», Ишчи синфи ҳақида телефильмлар, 18.00 Янгилликлар, 18.15 «Ешлик» студияси кўрсатади, «Сеннинг замонадошинг», 18.45 «Урмон эрталоқлари», Мультфильм, 19.00 «Советларга қарши дин никоьбид», 19.30 «Ахборот» (рус.), 19.45 «Севги қудратли», А. Навоий ҳақида афгон кассиси, 20.30 «Ахборот», 20.50 Ўзбек куйларидан концерт, 21.30 Москва, «Время».

22.05 КПСС XXVII СЪЕЗДИ ОЛДИН, «Кино олимпиада», 23.05 Совет фани тарихининг ҳикоялари, «Орузлар қанотиде», 23.50 Кўрсатувлар программаси, УЗТ II 9.00 — 16.05 МТ II 18.05 Кўрсатувлар программаси, 18.10 Бадий фильм, 19.30 «Ахборот» (рус.), 19.45 «Ҳақиқий кайфият хизмати», 20.15 «Касбим — гулчи», Телефильм, 20.30 «Ахборот», 20.50 Реклама, 21.00 «Интенсивлаш — беш йиллик шiori», 21.30 МТ II

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашри, тининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси, Тошкент шаҳри. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов. РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: бунинлар: партия турмуши ва совет куйлиши — 32-55-37; сановат ва куйрилиш — 32-57-84; шахар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42. Б—2045. Индекс 64690. 1234567890